

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.G.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРСАНОВ ДУНЁБЕК БАХТИЁРОВИЧ

**АМУДАРЁ ҲОЗИРГИ ДЕЛЬТАСИ ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ
СТРУКТУРАСИ ВА ТАБАҚАЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

11.00.01 – Табiiй география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хурсанов Дунёбек Бахтиёрович

Амударё хозирги дельтаси ландшафтларининг структураси ва
табақаланиш қонуниятлари 3

Хурсанов Дунёбек Бахтиёрович

Структура ландшафтов современной дельты Амударьи и
закономерности дифференциации..... 19

Xursanov Dunyobek Bakhtiyovich

Structure of landscapes of modern delta of Amudarya and differentiation
patterns 35

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.G.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРСАНОВ ДУНЁБЕК БАХТИЁРОВИЧ

**АМУДАРЁ ҲОЗИРГИ ДЕЛЬТАСИ ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ
СТРУКТУРАСИ ВА ТАБАҚАЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

11.00.01 – Табiiй география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В.2017.4.PhD/Gr30 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Уразбаев Абдукарим Кендирбаевич
география фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Рафиқов Ваҳоб Асомович
география фанлари доктори

Боймирзаев Каримжон Мирзаахмедович
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 05.30.2018.G.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг **2019 йил 20 апрель соат 14⁰⁰** даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Самарқанд давлат университети Биология факультети биноси 2-қават мажлислар зали Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya2018@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (+99866) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ___-рақамли реестр баённомаси).

А.А.Абдулқосимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Қ.С.Ярашев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
география фанлари бўйича PhD

А.Рахматуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон аҳолисини табиий ресурслар билан таъминлаш мақсадида ландшафтлардан интенсив фойдаланилаётганлиги туфайли табиий муҳитда техноген бузилиш, саҳроланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви, тупроқ деградацияси ва бошқа салбий экологик ва табиий географик жараёнлар кучаймоқда. Бу муаммоларни ҳал этишга халқаро ташкилотлар катта эътибор бермоқда. Жумладан, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш дастурида “куруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни рационал бошқариш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш”¹ вазифалари ечимига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур вазифаларнинг, ечими айниқса арид иқлимли ҳудудларда, шу жумладан, дарёлар дельтасида суғорма дехқончилиқни ривожлантириш масалалари ҳудуднинг тизимли-структуравий таҳлил асосида мелиоратив ишларни комплекс олиб боришни тақозо этади.

Дунё миқёсида ландшафт-мелиоратив тадбирларни олиб бориш, ландшафтларнинг табақаланишини ва унинг структурасини аниқлаш, категорияларга ажратиш, коллектор ҳавзаларидаги ёки кичик дельталардаги элементар ландшафт гуруҳлари асосида рельеф структураси билан ер усти сув оқими ўртасидаги алоқадорликни аниқлаш, ландшафтларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш, ҳудудларнинг ландшафт кадастрини тузиш, ландшафт-экологик ҳолатини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада ландшафтларни турли принциплар асосида категорияларга ажратиш, турли омиллар таъсирида ландшафтлар структурасининг ўзгаришини ўрганиш, ландшафт-мелиоратив ишларни амалга ошириш, ландшафт табақаланишида ер усти сув оқимининг роли, ландшафт турларида гидрокимёвий таркибни аниқлаш, мелиоратив тадбирларни ҳудудларнинг хусусиятидан келиб чиқиб амалга оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамызда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳудудларнинг табиий ресурс салоҳиятидан илмий асосда фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг шўрланиши ва чўлланишига қарши курашиш, одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш”² юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, Амударёнинг ҳозирги дельтаси коллектор ҳавзаларидаги ва кичик дельталаридаги ландшафтларнинг структураси ва

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

табақаланишига таъсир этувчи географик омилларнинг ролини аниқлашга доир мақсадли тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сонли “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги, 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сонли “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси”; VIII. “Ер ҳақидаги фанлар” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Амударёнинг ҳозирги дельтасидаги ландшафтларни тадқиқ қилиш билан С.Ю.Геллер (1969), А.А.Рафиқов (1978), А.А.Рафиқов ва Г.Ф.Тетюхин (1981), Н.А.Когай, Ш.С.Зокиров (1983), В.А.Попов (1990), Б.Жоллибеков (1992), К.Ж.Алланазаров (2002), С.Ж.Абдиреймов (2005), И.Р.Турдимамбетов (2005), В.А.Рафиқов (2017) ва бошқалар шуғулланган. Орол денгизи қуриган қисмининг ландшафтлари ва уларнинг дельта ландшафтларига таъсирини А.А.Рафиқов (1982), Р.И.Раззаков (1997), А.К.Курбаниёзов (2001), Р.А.Ибрагимова (2012), В.А.Рафиқовлар (2017) ўрганишган.

Аммо бу тадқиқотларда ландшафтларнинг структурасини ва табақаланишини таҳлил қилишда рельеф пластикаси усулининг ролини баҳолаш ишлари амалга оширилмаган. Шу билан бир қаторда ландшафтларнинг коллектор ҳавзаларидаги ва кичик дельталардаги структураси ҳамда табақаланишига таъсир этувчи географик омилларнинг роли деярли ёритилмаган. Мазкур ишнинг асосий мақсади ана шундай камчиликларни тўлдиришдан иборат.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлар режасидаги А-13-9-“Зарафшон водийсининг рекреация, туристик ва экологик карталарини тузиш” (2014-2017 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ландшафтларнинг коллектор ҳавзаларидаги ва кичик дельталардаги оқимлар структурасини ҳамда уларнинг дарахтсимон табақаланишини очиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ландшафт табақаланишини ва структурасини ўрганишда рельеф пластикаси усулини қўллаб, геоструктурали парадигманинг аҳамиятини очиб бериш;

коллектор ҳавзаларидаги элементар ландшафт гуруҳларини ва уларга боғлиқ бўлган ландшафт хилларини таҳлил қилиш ҳамда картасини тузиш;
кичик дельталардаги ландшафтларнинг структурали табақаланишини таҳлил қилиш ва картасини яратиш;

дельта худудининг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда структура таълимоти асосида рельеф пластикаси усули ролини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Амударёнинг ҳозирги дельтаси¹ олинган.

Тадқиқотнинг предмети Амударё ҳозирги дельтаси ландшафтларининг “дарахтсимон” структураси ва геотизимларнинг табақаланишига таъсир этувчи географик омилларнинг таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда рельеф пластикаси усули, дала-тадқиқот, географик таққослаш, тизимли ёндашиш, картографик, ландшафт геокимийвий усули ҳамда замонавий географик ахборотлар тизими технологиясининг “MapInfo” дастуридан фойдаланилган. Рельеф пластикаси картаси асосида ландшафт хилларининг рельеф структураси билан алоқадорлиги ўрганилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Амударё дельтасининг суғориладиган ва суғорилмайдиган массивларидаги ландшафтларнинг элювиал, транс-элювиал, супераквал, аквал элементар ландшафтларга табақаланиши исботланган;

кичик дельталар ва унга туташ коллектор ҳавзаларидаги элементар ландшафтларнинг морфогенетик таснифлаш қатори ишлаб чиқилган;

Кўхнадарё-Қозоқдарё кичик дельтасининг ва Қўнғирот коллектор тизимининг 1:100000 масштабдаги “Элементар ландшафтлар гуруҳи” картаси ҳамда Кўхнадарё-Қозоқдарё кичик дельтасининг 1:100000 масштабдаги ландшафт-типологик карталари тузилган;

дельта ландшафт хиллари ва мелиоратив ҳолатнинг ўзгариши денгиз сатҳи пасайиши ва дарё ўзани чуқурлашуви билан боғлиқлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олиб борилган изланишлар натижасида турли хилдаги ва масштабдаги ландшафт карталари яратилган;

суғорма деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида элементар ландшафтлар гуруҳи билан ландшафт хиллари алоқадорлиги асослаб берилган;

Амударёнинг ҳозирги дельтаси ландшафт структурасига ва табақаланишига таъсир этувчи географик омиллар таснифланган;

ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда структура таълимоти асосида объектнинг ички структураси алоҳида аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги топографик карталар асосида яратилган йирик масштабдаги

¹ Амударё дельтасининг шимолий чегараси Орол денгизининг 1961 йилдаги сатҳидан ўтди. Амударё ҳозирги дельтасининг майдони 19000 км². Суғорилмайдиган худудлар кичик дельталар бўйича, суғориладиган худудлар эса коллектор ҳавзалари бўйича қаралди.

рельеф пластикаси карталаридан дала тадқиқотларида асос сифатида фойдаланилганлиги, элементар ландшафтлар гуруҳи билан ландшафт хилларининг алоқадорлиги, дельтада рўй берган лито-морфо-педогенез жараёнини ўрганишда рельеф пластикаси усулининг амалий мос келганлиги, олинган натижаларнинг услубий назарий тушунчаларга ва илгари олиб борилган бошқа тадқиқотчиларнинг хулосаларига мослиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дельта ландшафтларининг структурасида ва табақаланишида ер усти сув оқимининг роли рельеф пластикаси картаси асосида аниқланганлиги, унинг ҳозирги ҳолатини эса рельеф структураси билан алоқадорлигини таҳлили ва кичик дельталарнинг “дарахтсимон” структураси ва ландшафт хилларининг боғлиқлигини аниқлаш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қўнғирот коллектор тизими ва Кўхнадарё-Қозоқдарё кичик дельтасининг “Элементар ландшафтлар гуруҳи карта”си ва Кўхнадарё-Қозоқдарё кичик дельтасининг “Ландшафт типологик карта”лари ландшафтларнинг мелиоратив ҳолатини аниқлаш ва қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланишни янада оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Амударё ҳозирги дельтаси ландшафтларининг структураси ва табақаланиш қонуниятлари бўйича олинган натижалар асосида:

дельтанинг ландшафт структураси ва дифференциациясини геоструктурали парадигма назарияси асосида исботлашга доир таклиф ва тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси ерларининг мелиоратив ҳолатини баҳолашда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 1 декабрдаги 02-04-9222-сон маълумотномаси). Натижада дельта худудидаги ерларнинг шўрланиш даражасини аниқроқ баҳолаш имконини берган;

Кўхнадарё-Қозоқдарё кичик дельтасининг ва Қўнғирот коллектор тизимининг 1:100000 масштабдаги “Элементар ландшафтлар гуруҳи” ва Кўхнадарё-Қозоқдарё кичик дельтасининг ландшафт типологик карталаридан ҳудуд тупроқларининг мелиоратив картасини тузишда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 1 декабрдаги 02-04-9222-сон маълумотномаси). Натижада ҳудуднинг мелиоратив чора-тадбирлари такомиллаштириш имконини берган;

коллектор ҳавзаларидаги элементар ландшафт гуруҳлари ва улар билан боғлиқ бўлган ландшафт хиллари тавсифидан қишлоқ хўжалиги ерларини баҳолашда Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 октябрдаги 02/02-285-сон маълумотномаси).

Натижада, қишлоқ хўжалиги ерларидан илмий асосда самарали фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Табиий географияда геоструктурали парадигмани қўллашнинг методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида “парадигма” тушунчасининг вужудга келиши, унинг назарий масалалари таҳлил этилган, парадигманинг бошқа фанлар қатори табиий географияда қўлланилиш асослари, ландшафт структурасини ва табақаланишини тадқиқ қилишда геоструктурали парадигманинг моҳияти очиб берилган.

Т.Кун (1977) парадигма деганда, маълум давр ичида илмий жамоатчиликка долзарб муаммони қўйиш ва ҳал этиш намунаси бўлиб хизмат қиладиган ва кўпчилик томонидан эътироф этилган илмий назарияни тушунади. Ҳозирги вақтда ҳар бир парадигманинг тарафдорлари маълум бир назария ва усулдан фойдаланган ҳолда фаннинг ютуқларини амалиётда қўллаш босқичига ҳам алоҳида эътибор берадилар.

В.Н.Солнцев (1978) XXIII Халқаро География конгрессининг табиий географияга тегишли илмий ғояларини парадигма назарияси нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, тўртта парадигма борлиги ҳақида илк бор таъкидлаб ўтади: 1.Геокомпонентли; 2.Геокомплексли; 3.Геоструктурали; 4.Экологик. Олимнинг фикрича, геоструктурали парадигмада геотизимнинг моҳиятини тадқиқ қилишда асосий билиш воситаси – бу “тизим” категорияси бўлмасдан, балки структура категориясидир. Фақат структурани аниқлаб, тизимни топиш мумкин ва унинг яхлитлиги асосли қилиб тушунтирилади. Шу билан бирга олим структурага қуйидагича таъриф беради: “Структура деганда

объектнинг ички тузилиш хусусияти ёки объектнинг фазода тақсимланиш хусусияти” тушунилади. Геоструктурали парадигмада “геотизим” тўғрисидаги маълумот “структура” ҳақидаги маълумотдан ҳосил бўлса, “структура” тўғрисидаги маълумот элементларнинг “ўзаро таъсири”дан ҳосил бўлади. Геотизимнинг ўзига хос структурага эга бўлиши объектни ташкил этган элементларнинг ўзаро муносабатидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам, биз ландшафтларнинг ички структурасини ва табақаланишини геоструктурали парадигманинг назарияси асосида таҳлил қилганда структура ва элемент категорияларига алоҳида аҳамият бердик.

Ҳозирги вақтда географ олимлар А.А.Абдулқосимов (1983), Л.А.Алибеков (1994), Б.А.Бахритдинов (1995), Н.И.Сабитова (2002), А.Н.Ниғматов (2010), С.Б.Аббасов (2007), А.Рахматуллаев (2018), Ш.К.Шарипов (2011), Қ.С.Ярашев (2018) ва бошқалар у ёки бу парадигмани қўллаган ҳолда республикамизнинг турли хил ҳудудлари мисолида ландшафтларнинг структурасини, уларнинг геоэкологик ҳолатини ва ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда ўзларининг амалий тавсияларини ишлаб чиқмоқдалар.

“Структура доимо муносабатни тақозо қилади, оддий синф (контур) шу ҳолича структурага эга эмас” (Б.Рассель, 1970). Ҳар бир объектда муносабатларнинг вужудга келиши учун албатта элементларнинг бўлиши шарт. Элементларнинг бир-бирига бўлган муносабати объектнинг структурасини белгилаб беради. Рельеф пластика карталарида кўрсатилган рельеф элементларининг (баландликлар ва пастликлар) ўзаро муносабати Амударё ҳозирги дельтасининг структурасини ҳосил қилади. Амударё ҳозирги дельтасида рельеф пластикаси усулини қўллаган ҳолда структурали тадқиқотнинг уч босқичи ажратилди: 1.Элементларни ажратиш; 2.Ажратилган элементларнинг ўзаро муносабатини ёки алоқадорлигини таҳлил қилиш; 3.Элементларнинг ўзаро бирлашиб бир бутун геотизим ҳосил қилишини картографик маълумотлар асосида тасвирлаш. Рельеф пластика карталарида рельеф элементларининг кўрсатилиши ўз навбатида Б.Б.Полинов (1953) ажратган элементар ландшафтларни (элювиаль, транс-элювиаль, суперакваль, акваль) фақат чизмада эмас, балки дала шароитида ажратиш учун асос бўла олади.

Амударёнинг ҳозирги дельтасини тадқиқ қилишда элементларни ажратиш структурали тадқиқотнинг биринчи шarti ҳисобланади. Структурали тадқиқотнинг иккинчи шarti эса элементлардаги алоқадорликни ёки муносабатни таҳлил қилишдан иборат. Дельта шароитида бу алоқадорликни ёки муносабатни вужудга келишида ер усти сув оқимининг роли катта бўлганлиги сабабли, бу муаммони ижобий ҳал қилишда рельеф пластикаси картасидан фойдаланилди.

Ҳар бир объектнинг структурали қонуниятларини таҳлил қилишда табиий географик жараённинг икки турини фарқлаш зарур. Жараённинг биринчи турига шу объектнинг ўзига хос структуранинг вужудга келиши ҳисобланса, жараённинг иккинчи турига эса вужудга келган структурали объектдаги ички жараёнларни киритиш мумкин. Жараённинг биринчи тури

генетик алоқаларга мос келса, иккинчи тури эса тизимнинг ички структурали алоқасидир. Дельта шароитида ер усти сув оқимларининг фаолияти натижасида вужудга келган “дарахтсимон” структура генетик алоқадорликнинг маҳсули бўлса, ана шу “дарахтсимон” структурадаги элементлар ўртасидаги ички структурали алоқа ҳам кичик дельталарнинг структурасига боғлиқ бўлади. Объектларда рўй берган генетик ва ички структурали алоқаларга боғлиқ ҳолда вужудга келган яхлит геотизимни таҳлил қилиш структурали тадқиқотнинг учинчи босқичи ҳисобланади.

Ландшафт структурасини А.Г.Исаченко (1991) қуйидагича таърифлайди: “Ландшафт структураси бу табиий ҳудудий мажмуалардаги қуйи birlikларни (жой, урочеше, фация) тартибли жойланишидир”. Шунинг учун ҳам рельеф пластикаси картаси фақат ландшафт хилларининг асосини ташкил этиб қолмасдан, балки, шу билан биргаликда, ландшафтларнинг морфологик структурасининг ҳам асосидир. М.А.Глазовская (1969) ландшафтнинг кўзгуси бўлган тупроқ қопламанинг структураси ҳақида қуйидаги фикрни билдиради: “Ер тупроқ қопламанинг структураси – бу тупроқнинг рельеф элементлари билан бирикувидир”. И.Н.Степанов (1986) ҳам олиманинг фикрини давом эттириб, шундай деб таъкидлайди: “Ажратилган баландликлар ва пастликлар фақатгина тупроқ қопламанинг структураси учун асос вазифаси ролини ўйнаб қолмасдан, балки шу билан биргаликда ландшафт структураси учун ҳам асосий контур бўлиб ҳисобланади”.

А.С.Викторов (1986, 2016) ландшафт структураси сўзини ўрнига ландшафт расмлари тушунчасини қўллаган ҳолда, улар геологик ва иқлим омиллари таъсирида пайдо бўлади ва ҳудуднинг геологик тараққиётини акс эттиради деб таъкидлайди. Биз ҳам А.С.Викторовнинг ғоясига қўшилган ҳолда, дельтанинг “дарахтсимон” структураси объект геологиясининг кўзгусидир деган хулосага келамиз.


Диссертациянинг **“Амударё ҳозирги дельтаси ландшафтларининг табақаланишида ва структурасида табиий географик омилларнинг роли”** деб номланган иккинчи бобида ер усти сув оқимининг ландшафтларнинг ҳосил бўлишидаги ролини назарий таҳлили билан бошланади.

С.Д.Муравейский (1946, 1948) географик мажмуаларнинг ҳосил бўлишида В.В.Докучаев (1958) айтиб ўтган рельеф ва иқлим қаторига ер усти сув оқимининг ролини учинчи географик омил сифатида назарий жиҳатдан асослаб беради. Олимнинг таъкидлашича, агар ўсимликларга иссиқлик ва намлик етарли бўлиб, озиқ моддалар олиб келинмаса, уларнинг ҳаёти ҳавф остида бўлади. “Транспортсиз, кўчиб юришишсиз ҳаракатнинг бўлиши мумкин эмас, ўзаро алоқанинг, ўзаро таъсирнинг транспортсиз бўлиши ҳақиқатдан йироқдир. Транспортнинг мана шу муҳим роли, ер юзида моддаларнинг кўчиб юриши, биринчи навбатда ва асосан, ер усти сув оқими жараёнининг зиммасига тушади” (1948, 103 б.). Муаллифнинг айтиб ўтган назарий фикрларини рельеф пластикаси усули ер усти сув оқимининг ролини амалда тадқиқ қилишнинг имконини беради.

Дельта шароитида ландшафтларнинг вужудга келишида, структурасида ва табақаланишида ер усти сув оқимининг роли бошқа географик омилларга нисбатан бирламчи характерга эгадир. “Дарахтсимон” ландшафт структурасининг вужудга келиши ва шу шаклда унинг қонуний табақаланиши ер усти сув оқими жараёнининг маҳсулидир. Ҳосил бўлган кичик дельталарнинг “дарахтсимон” структуралари эса ҳозирги вақтда ер усти сув оқимининг структурасини белгилайди. Рельеф пластикаси картасида рельеф элементларининг кўрсатилиши ўз навбатида ер усти сув оқими йўналишининг бошланғич ва қуйи қисмларини бир-бири билан боғловчи омил сифатида намоён бўлади.

В.М.Боровский, М.А.Погребинский (1958) Сирдарё дельтаси мисолида ер усти сув оқимининг фаолияти натижасида ҳосил бўлган “Лито-морфопедогенез жараёнларининг бутунлиги” ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Бир сўз билан айтганда, дельтада рўй берган бу жараённинг яхлитлиги ер усти сув оқими фаолиятининг натижасидир. Бу жараённинг натижасида ҳосил бўлган ландшафтларнинг расмларини Амударё ҳозирги дельтаси мисолида дала шароитида тадқиқ қилиш учун рельеф пластикаси карталарининг қўлланилиши исбот талаб этмайдиган асосдир.

Н.В.Богданович (1955) Амударё ҳозирги дельтасида ўзининг олиб борган тадқиқотлари натижасида объект рельефини уч гуруҳга ажратади: 1.Ўзанбўйи баландликлари; 2.Ўзанбўйи баландликларининг ёнбағирлари; 3.Ўзанлараро пастликлар. Ажратилган рельефнинг уч гуруҳи Б.Б.Полинов ажратган элементар ландшафтларнинг гуруҳига тўлиқ мос келади. Юқорида айтиб ўтилган назарийётчи олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, биз рельеф гуруҳларининг элементар ландшафтлар билан алоқадорлигини ўрганиб, тупроқ хилларининг сув айирғичдан пастликка қараб тартиб билан ўзгаришини таҳлил қилдик ва бу хулоса 1-расмда изоҳланади.



1-расм. Тупроқ хилларининг элементар ландшафтлар гуруҳида жойлашиш қонунияти

I-элювиаль элементар ландшафти; II- транс-элювиаль элементар ландшафти; III- суперакваль элементар ландшафти; IV-аквал элементар ландшафти. Тупроқ хиллари: 1- ўтлоқ-тақирли тўқай тупроқлари; 2- ўтлоқ-тақирли тупроқлар; 3- ўтлоқ ва ҳар хил шўрхоқлар.

Дельта шароитида ҳосил бўлган кичик дельталарнинг “дарахтсимон” структураси дельта ландшафтларининг табақаланишида асосий омил бўлиб ҳисобланади, яъни ландшафт хилларининг табақаланиши тўғридан-тўғри кичик дельталарнинг шакли билан боғлангандир. Бир сўз билан айтганда “дарахтсимон” структура – бу кичик дельталарнинг атрибутидир, яъни асосий хусусиятидир. Гарчи кичик дельталарнинг барчаси “шоҳланувчи” шаклларга эга бўлса ҳам, аммо уларнинг бир-биридан кескин фарқ қилиши ер усти сув оқимининг энергиясига боғлиқдир.

Дала тадқиқотларидан шу нарса маълум бўлдики, кичик дельталарнинг бошланғич қисмидан узоқлашган сари рельеф уч гуруҳининг майдони қонуният асосида ўзгариб боради. Бу эса ўз навбатида ландшафт хилларининг рельефнинг уч гуруҳи билан алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилишни талаб қилади. Кичик дельталарнинг бошланғич қисмида “Ўзанбўйи баландликлари” кенг майдонни эгалласа, қуйи қисмларида эса ўзанлараро пастликлар ва текисликларнинг хукмронлик қилиши ландшафтларнинг структурасига ва табақаланишига бевосита таъсир этади.

Суғориладиган ҳудудларда рельеф структурасининг ландшафтларга таъсири коллектор ҳавзасининг функционал бутунлиги билан боғланган бўлиб, ўзанбўйи сувайирғичлардан коллектор ўзани ўтган марказ томон ва ҳавзанинг юқори қисмидан қуйи қисми томон қонуний тартибда ўзгариб боради ва шунга мос ҳолда ландшафт хиллари шаклланади. Суғорилмайдиган кичик дельталарда эса рельеф структурасининг ландшафтлар табақаланишига таъсири объект структуравий бутунлиги билан боғланган бўлиб, дельтанинг юқори қисмидан қуйи қисми томон ландшафт хиллари тизимли ўзгариб боради. Ҳар бир кичик дельталарда мавжуд бўлган рельеф уч гуруҳининг ўзи “шоҳланувчи” структурага алоқадордир. Ана шунинг учун ҳам ҳар бир кичик дельталар бир-биридан рельеф уч гуруҳининг майдони жиҳатидан кескин фарқланади.


И.Н.Степанов (1986) таъбири билан айтганда, дельта шароитида ер усти сув оқими натижасида ҳосил бўлган рельеф структурасини “оқимлар” структураси деб аташ мақсадга мувофиқдир. Оқимларнинг структураси ўз навбатида ландшафт хилларидаги кимёвий элементларнинг структурасига ва табақаланишига таъсир этади. Бу эса ўз навбатида ландшафтларнинг сув-геокимёвий тартиби бўйича гуруҳланишига олиб келади. Демак, ландшафтларнинг сув-геокимёвий тартиби бўйича уч гуруҳга бўлиниши ҳам рельеф структураси таъсирининг ҳосиласидир.

Амударё ҳозирги дельтасидаги рельефнинг учинчи гуруҳи бўлган пастликларни ва текисликларни таҳлил қиладиган бўлсак, улар қонуният бўйича ҳар-хил кичик дельталарнинг туташган ҳудудларида, кичик дельталарнинг қуйи қисмларида ва ўзанлараро ораликларида жойлашади.

Энг паст ҳудудларда жойлашган ландшафт хилларининг мелиоратив ҳолати ҳам рельеф структурасига боғлиқ бўлган ер усти ва грунт сувларининг табиий оқимига боғлиқдир.

Диссертациянинг **“Коллектор ҳавзаларидаги ва кичик дельталардаги ландшафтларнинг табақаланиши ва уларни карталаштириш”** деб номланган учинчи бобида объектлар ички структурасининг ландшафтлар табақаланишига таъсири тадқиқ этилган. Қўнғирот коллектор тизимининг ички структураси, Ульдарё кичик дельтасининг барча қисмлари (юқори, ўрта, қуйи), Раушан, Киятжарган кичик дельталарининг қуйи қисмлари, Амударё ўзанбўйи баландликларидан ҳамда юқоридаги дельталарнинг ўзанлараро пастликларидан ва текисликлардан иборат. Бу дельталарда ландшафтлар сув-геокимёвий таркиби бўйича дельталарнинг юқори қисмидан қуйи қисми томон қонуний ўзгариб, автоморф, яримгидроморф, гидроморф ландшафтлари тартиб билан жойлашади. Амударё ўзанбўйи баландликларида автоморф гуруҳидаги ландшафтлар устунлик қилса, Ульдарё, Раушан, Киятжарган кичик дельталарининг қуйи қисмларида гидроморф гуруҳидаги ландшафтлар ҳукмронлик қилади. Коллектор ҳавзаларида, шу жумладан Қўнғирот коллектор тизимининг ички структурасида кичик дельталарнинг сони кўп бўлгани сабабли ландшафт хилларининг рельеф элементлари билан алоқадорлиги турлича бўлади. Бунинг натижасида объектнинг структурасига боғлиқ ҳолда ландшафтлар турлича табақаланади.


Б.Б.Полинов (1953) “Ландшафт ҳақидаги таълимот” номли асарида тупроқ хилларининг рельеф элементлари билан алоқадорлигини ўрганиш натижасида элементар ландшафтларни тўрт гуруҳга ажратади: 1.Элювиаль; 2.Транс-элювиаль; 3.Суперакваль; 4.Акваль. Ажратилган элементар ландшафтлар бир-биридан сув-геокимёвий жараёнлари бўйича тубдан фарқ қилади. Элювиаль элементар ландшафти автоном ландшафт бўлиб ҳисобланса, қолган элементар ландшафтларда рўй берадиган барча геокимёвий жараёнлар сув айирғичларга боғлиқ. Масштаби 1:100000 бўлган рельеф пластикаси картаси асосида “Қўнғирот коллектор тизимининг элементар ландшафтлар гуруҳи карта”си илк бор тузилди. Бу карта коллектор ҳавзасининг “геокимёвий ландшафтини” ўрганиш учун асос бўла олади, яъни ер усти сув оқими элементар ландшафтлар гуруҳининг ўзаро алоқадорлиги натижасида вужудга келадиган “геокимёвий ландшафтнинг” яратувчисидир. Рельеф пластикаси картаси асосида кичик дельталар “дарахтсимон” шаклининг идеаллашган карта-схемаси ишлаб чиқилди (2-расм). Бу карта-схемадан кичик дельталарнинг рельеф ва ер усти сув оқими структураларини таҳлил қилишда кенг фойдаланиш мумкин.



2-расм. Кичик дельталар “дарахтсимон” шаклининг идеаллаштирилган структураси

Кўхнадарё-Қозоқдарё кичик дельтасининг рельеф пластикаси картаси асосида объектнинг “Элементар ландшафтлар гуруҳи карта”си тузилди. Бу карта элементар ландшафтларнинг ландшафт хилларига таъсирини ўрганиш учун асос бўлди ва шу асосда В.А. Николаев (1999) таклиф этган тасниф схема бўйича ландшафт типологик картаси яратилди. Бу тасниф схемага кўра ландшафтларнинг битта синфи, учта гуруҳи ва ўн бир хили ажратилди ва Кўхнадарё-Қозоқдарё кичик дельтасининг 1:100000 масштаби ландшафт типологик картаси тузилди.

Ландшафт типологик картасини тузиш шу нарсани кўрсатдики, ландшафт хиллари асосан яримгидроморф ва гидроморф гуруҳига тегишлидир (3-расм). Автоморф гуруҳидаги ландшафт хили ўзанбўйи баландликларини эгаллаган ҳолда, “дарахтсимон” структурага эгадир. Жилтирбас кўли атрофидаги ландшафтларнинг ҳозирги ҳолатига кўлнинг ва грунт сувининг таъсири катта бўлгани сабабли ботқоқ ўтлоқ тупроқлардаги қамиш, ажриқ, қўға ва бир йиллик галофит ўсимликлар тарқалган. “Дарахтсимон” структурага эга бўлган Кўхнадарё-Қозоқдарё кичик дельтаси ўзига хос “элементлар” даражасидаги ландшафт хилларига эгадир. Бу эса рельеф пластикаси усули асосидаги ландшафт тадқиқотларида “структура” ва “элемент” категориялари алоҳида аҳамиятга эга деган хулоса ясашга олиб келади.



3-расм. Кўхнадарё-Қозоқдарё кичик дельтасининг ландшафт типологик картаси

КАРТА ЛЕГЕНДАСИ:

I. Элювиаль элементар ландшафти

1 Ўтлоқ тақирли тўқай тупроқларидаги тол, жийда, туронгил формацияли ўзанбўйи баландликлари

II. Транс-элювиаль элементар ландшафти

2 Ўтлоқ тақирли тупроқлардаги юлғун, чингил, сийрак туронгил формацияли ўзанбўйи баландликларининг ёнбағирлари

III. Суперакваль элементар ландшафти

3 Чўл ўтлоқ тупроқлардаги ажрик, окбош, янтоқ, черкез, қисман юлғун формацияли ўзанлараро пастликлар

4 Ўтлоқ шўрхоқлардаги шўражрик, сарсазан қисман янтоқ формацияли ўзанлараро пастликларнинг ўрта қисмлари

5 Қумли чўл тупроқлари ва қумлардаги қора саксовул, юлғун формацияли қумли текисликлар

6 Оддий шўрхоқлардаги қорабароқ, сарсазан, сийрак юлғун формацияли ўзанлараро қолдиқ ботқоқ текисликлар

7 Тақирсимон тупроқлардаги шувок, қора саксовул қисман юлғун формацияли қадимги денгиз текисликлари

8 Ўтлоқ ва оддий шўрхоқлардаги шўражрик, окбош, янтоқ, қисман қорабароқ формацияли акумулатив текисликлар

9 Кучли шўрланган ўтлоқ тупроқлардаги шўражрик, янтоқ, сийрак камишли кўлбўйи текисликлари

10 Ботқоқ ўтлоқ тупроқлардаги шўражрик, камиш, кўга формацияли кўл бўйи текисликлари

IV. Аквал элементар ландшафти

n Сув хавзалари

Диссертациянинг “**Ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда структура таълимотининг роли**” деб номланган тўртинчи бобида халқ хўжалигида самарали фойдаланиладиган суғориладиган ва суғорилмайдиган ҳудудларнинг ички структураси тадқиқ этилган. Эътиборлиси шундаки, ҳар бир объектнинг структурасини ташкил этувчи элементларнинг ўзаро муносабати ёки алоқадорлиги ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг етакчи омилидир. Рельеф пластикаси картаси асосида тузилган “Элементар ландшафтлар гуруҳи карталари” дельтада олиб бориладиган барча мелиоратив тадбирлар турларининг асосини ташкил этгани ҳолда, вужудга келадиган ҳар бир ижобий ва салбий оқибатлар, албатта, объектларнинг структураси билан боғлангандир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, структура таълимоти асосида ер-сув ресурсларидан тизимли фойдаланишда қуйидаги чора тадбирларга амал қилиш яна бир бор рельеф пластикаси усулининг аҳамиятини амалда тасдиқлаб беради:

1. Коллектор ҳавзаларидаги ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда бир томондан ҳавзанинг функционал бутунлиги роль ўйнаса, иккинчи томондан эса ана шу ҳавзани ҳосил қилувчи кичик дельталарнинг “дарахтсимон” ландшафт структураси катта аҳамиятга эга; 2. Ҳудудларни оптималлаштириш натижасида вужудга келадиган табиий географик жараёнлар кичик дельталарнинг “дарахтсимон” ландшафт структураси билан боғланган, яъни ландшафт структурасига боғлиқ ҳолда барча табиий географик жараёнлар рўй беради; 3. Ҳозирги вақтда рўй бараётган салбий географик жараёнларни қўламини камайтириш мақсадида дельтада сунъий сув ҳавзаларини барпо этилишида йирик масштабли рельеф пластикаси карталари асос ролини бажариши керак.

ХУЛОСА

1. Рельеф пластикаси методидан ландшафт структурасини ва табақаланиш қонуниятларини тадқиқ қилишда фойдаланилди. Усулнинг назарий асослари сифатида структура таълимоти ва геоструктурали парадигманинг методологияси ҳисобланди. Усул табиий географик жараёнларни геотизим таълимоти асосида таҳлил қилиш имконини беради.

2. Рельеф пластикаси картаси структурали тадқиқотнинг уч шартини босқичма-босқич амалга оширишда асос бўлиб ҳисобланади: 1.Элементларни (баландликлар ва пастликлар) ажратиш; 2.Элементлар ўртасидаги алоқадорликни ёки муносабатни таҳлил қилиш; 3.Тизим ҳосил қилувчи ер усти сув оқими ёрдамида объектнинг бутунлиги тадқиқ қилинди. Мана шу босқичлар амалга оширилгандан сўнг объектни ўзига хос ички структурага эга бўлган тизим деб қараш имкони юзага келади.

3. Амударё ва унинг тармоқлари олиб келган ҳар хил литологик таркибга эга бўлган оқизиқларнинг ётқизилиши натижасида рельефнинг уч гуруҳи ҳосил бўлган: 1.Ўзанбўйи баландликлари; 2.Ўзанбўйи баландликларининг ёнбағрлари; 3.Ўзанлараро пастликлар. Ана шу рельефнинг уч гуруҳини дала шароитида тадқиқ қилишда рельеф пластикаси

картаси асос бўлиб ҳисобланди. Ер усти сув оқимининг фаолияти натижасида ҳосил бўлган ўзанбўйи баландликлари ўзаро бирлашиб, кичик дельталардаги ландшафтларнинг “дарахтсимон” структурасини ҳосил қилади.

4. Суғорилмайдиган ҳудудларда ландшафтларнинг табақаланиши кичик дельталарнинг “дарахтсимон” структураси билан боғланган бўлиб, кичик дельталарнинг юқори қисмидан қуйи қисми томон қонуний табақаланиб боради. Дарё сувининг фаолияти натижасида ҳосил бўлган рельеф структурасини “оқимлар” структураси деб аташ мақсадга мувофиқдир, яъни дельта ҳосил бўлиши тарихида ер усти сув оқими рельеф структурасини ҳосил қилса, ҳозирги вақтда эса рельеф пластикаси ер усти сув оқимининг йўналишини белгилаб беради.

5. Суғориладиган ҳудудларда ландшафтларнинг табақаланиши гарчи коллектор ҳавзаларининг ички структурасини ҳосил қилувчи кичик дельталар билан боғланган бўлсада, аммо ҳавзадаги канал, коллекторларнинг узоқ-яқинлиги, грунт сувининг чуқурлиги ҳамда унинг табиий оқими билан ҳам боғланган бўлади. Бироқ айтиб ўтилган иккинчи даражали омиллар ўз навбатида рельеф структураси билан алоқадор бўлади.

6. Кўнғирот коллектор тизимининг ички структураси асосан Улдарё кичик дельтасидан, Раушан ва Киятжарган кичик дельталарининг қуйи қисмидан ва Амударё ўзанбўйи баландликларидан ташкил топган. Ландшафт хиллари бир томондан кичик дельталарнинг “дарахтсимон” структураси билан боғланган бўлса, иккинчи томондан коллектор ҳавзасининг функционал бутунлиги билан боғлангандир. Коллектор ҳавзасида ажратилган элементар ландшафт гуруҳлари ўзаро бирлашиб яхлит геокимёвий ландшафтни ҳосил қилади. Геокимёвий ландшафтнинг яхлитлиги ҳақидаги маълумотлар ландшафт хиллари ўртасидаги модда ва энергия алмашувини ўрганиш учун назарий асос бўлиб ҳисобланади.

7. Кўҳнадарё-Қозоқдарё кичик дельтасини “дарахтсимон” ландшафт структураси билан барча ландшафт хиллари чамбарчас боғланган. Кичик дельтанинг юқори қисмида автоморф ландшафт гуруҳидаги ландшафт хиллари устунлик қилса, қуйи қисмида асосан ярим гидроморф гуруҳидаги ландшафт хиллари устунлик қилади. Фақат Жилтирбас кўли атрофларида гидроморф гуруҳидаги ландшафт хиллари тарқалган. Ушбу ландшафт хиллари элементар ландшафт гуруҳлари ёки рельефнинг уч гуруҳи билан тўғридан тўғри алоқада бўлади. Ҳозирги вақтда дельтанинг юқори қисмига қараганда ўрта ва қуйи қисмларида чўлланиш жараёни кучли давом этмоқда.

8. Ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда структура таълимоти илмий асос бўлиб ҳисобланди. Рельеф пластикаси усули структура таълимоти негизида яратилган геоструктурали парадигмани фақат география фанида қўллашнинг методи бўлиб қолмай, балки шу билан бир қаторда мелиорация ва суғорма деҳқончиликда ҳам кенг қўлланилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.05.2018.G.02.07
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХУРСАНОВ ДУНЁБЕК БАХТИЁРОВИЧ

**СТРУКТУРА ЛАНДШАФТОВ СОВРЕМЕННОЙ ДЕЛЬТЫ АМУДАРЬИ
И ЗАКОНОМЕРНОСТИ ДИФФЕРЕНЦИАЦИИ**

11.00.01 – Физическая география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована за номером В.2017.4.PhD/Gr30 Высшей Аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещён на трёх (узбекский, русский, английский (резюме)) языках на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Уразбаев Абдукарим Кендирбаевич, доктор географических наук
Официальные оппоненты:	Рафиков Вахоб Асомович, доктор географических наук, Баймирзаев Каримжан Мирзаахмедович, кандидат географических наук, доцент
Ведущая организация:	Каракалпакский государственный университет

Защита диссертации состоится **20 апреля 2019 г. 14⁰⁰** часов на заседании Научного совета DSc.30.05.2018G.02.07 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар дом 15, конференц-зал Самаркандского государственного университета Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya2018@mail.ru.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано под №__). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом-15. Центр информационных ресурсов.Тел.: (+99866) 239-11-40).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № «__» от _____ 2019 года).

А.А.Абдулкосимов,
Председатель Ученого совета
по присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

К.С.Ярашев,
Научный секретарь Ученого совета
по присуждению ученых степеней,
PhD по географии

А.Рахматуллаев,
Председатель Ученого семинара
при Ученом совете по присуждению
ученых степеней, д.г.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы исследования. Интенсивное использование ландшафтов человечеством в целях обеспечения мирового населения природными ресурсами приводит к техногенному нарушению природы, опустыниванию, ухудшению мелиоративного состояния земли, деградации почвы и усилению множества других негативных экологических и природных географических процессов. Международные организации уделяют особое внимание борьбе с такими явлениями. В частности, программа ООН по устойчивому развитию на период до 2030 года направлена на решение таких актуальных проблем, как «Защита и восстановление экосистем суши и содействие их рациональному использованию, рациональное лесопользование, борьба с опустыниванием, прекращение и обращение вспять процесса деградации земель и прекращение процесса утраты биоразнообразия»¹. Эти задачи обуславливают осуществление на основе системно-структурного анализа комплексных мелиоративных мер по развитию орошаемого земледелия, в основном, на территориях аридного климата, в частности в речных дельтах.

В мире особое внимание уделяется проведению ландшафтно-мелиоративных мероприятий, изучению дифференции ландшафтов и их структуры, связи структуры рельефа и надземных водных течений на основе элементарных ландшафтных групп в коллекторных бассейнах или малых дельтах. При этом очень важна дифференциация ландшафтов по различным принципам, изучение изменений его структуры под влиянием различных факторов, осуществление ландшафтно-экологических и ландшафтно-мелиоративных мер. Первичное значение имеет в этом процессе изучение роли надземных водных течений в дифференциации ландшафтов, водно-геохимического состава в видах ландшафтов и проведение мелиоративных мероприятий, исходя из особенностей каждого района.

В нашей Республике в сфере защиты экологии и окружающей среды проводится ряд мероприятий по научному использованию потенциала природных ресурсов территорий, улучшению мелиоративного состояния земель, борьбе против их засоления и опустынивания, обеспечению жизни в безопасной экологической обстановке. В «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»² указан ряд важнейших задач по «дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель, развитию сетей объектов мелиорации и ирригации». В этом плане особое значение имеют целевые исследования по определению структуры ландшафтов в нынешних коллекторных бассейнах и малых дельтах Амударьи и роли географических факторов, влияющих на структуру и дифференциацию ландшафтов в нынешних коллекторных бассейнах и малых дельтах.

¹ Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 17 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

